

Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини адабиётшуносликда адиб бошидан ўтказган кунлар йилномаси сифатида баҳолашади. Аммо шоир — Бобур шеърийати муаллифнинг ички дунёсини бор шиддати билан ўқувчига етказувчи ноёб маънавий хазинадир. Бобур рубоийларида ҳам олам-жахон маъно ифодаланган.

Улар “Бобурнома” билан ҳамроҳанг, уни мазмунан тўлдиради. Агар Бобур даври, ундан олдинги шоирлар ижодида рубоий жанрида анъанавий ишк, ошиқ ва маъшук, айрим ҳолларда ижтимоий масалалар каламга олинган бўлса, Захириддин Бобур рубоийларида инсон ички кечинмаларининг ранго-ранг жилолари, унинг муаммолари теран акс этганини кўраемиз.

Захириддин Бобур табиатидаги ҳаётдан имкон қадар баҳраманд бўлиш, унинг гўзаллигини англаш ва нашидасини суриш одати кишини хайратга солади. 12 ёшидан от устидан тушмасдан бобоси Амир Темур салтанатини тиклаш учун кураш олиб борган, муҳорабаларда бўлган шахс баҳор нашидасидан ҳам баҳрамандлик бахтини туяди:

Хотирни баҳор фаслида гашт оладур,  
Кўз нуруни ранги лолаю дашт оладур.  
Хуш улки, талаларда юруб сайр этса,  
Бу фаслдаким латифу дилкаш таладур.

Шоир рубоийларининг ўзига хос хусусиятларидан бири — унда кичик сюжет, лирик қаҳрамон бор. Куйи–даги рубоийда лирик қаҳрамоннинг унчалик хуррам бўлмаган кайфиятини мохир наққошдан ислох этишини сўрагани, илтижоси мавжуд. Бир қараганда, бу тўрт мисра шеър осон мутолаа қилинадигандек, аммо муаллифнинг шу тўрт мисрага сюжет, теран фикрни жо этганига тасанно дейсан, киши:

Наққош, менинг холима тадбир этгил,  
Бир ёғлиг аро қашида таҳрир этгил.  
Ул сафҳада мен ҳаёл қилгон янглиг,  
Ул ёрга мушкилимни тақрир этгил.

Бобурнинг Хиндистон мамлакатига юриши, аниқроғи, бу ўлкани ўз тасарруфига киритишга интилганини айрим адабиётшунослар Ватандан айрилиқ сифатида талқин этсалар, бошқалари саркарда Бобурнинг Амир Темур салтанатини қайта тиклаш учун қилинган юриши сифатида баҳолайдилар. Аслида, ҳар иккала фикрнинг ҳам асоси бўлса-да, иккинчиси устунлик қилади. “Бобурнома”да мазкур масалага анчагина ойдинлик киритувчи парча бор. У ҳам бўлса, Хиндистоннинг шимолий қисмини эгаллаган, Иброҳим Лўдий ва бошқа хинд саркардалари устидан галаба қозонган, аммо бу ўлканинг барча ҳудудларини ҳали эгаллашга улгурмаган Бобурнинг тўнгич ўғли Хумоюн мирзонинг элчиларига билдирган фикри мавжуд. «...Тенгри таолодин умидвормиким, ўшул яқинда Хиндустон вилояти қўлга киргай. Хавоҳох ва яхши фароҳ хавсалаларимиздин Хиндустон вилоятига қўюб, ўзумуз маврусий вилоятимизга

боргаймиз(таъкид бизники — Х.К.). Ва керакким, бори халкимиз бу юрушда, Хумоюнга йўлдош бўлуб, ихлос кўрсатгайлар», деб ёзади у.

Ушбу парчадан Бобурнинг ички кечинмалари, рухий холатини факат насрий матн талаби билан хис этамиз. Бунда адиб ўзи шох бўлса-да, яккаликка бардош ва чидам берганлиги, ўзини гариб сезганлиги хақида умуман сўз юритмайди, балки буни Ватанга кайтиш орзуси оркали ифода этади, холос. Куйидаги рубоий эса, айнан шох, адиб Бобурнинг ички оламини ўзида мужассамлаган, “Бобурнома” матнини шу жихатдан тўлдирганлигини кўрамыз.

Ёд этмас эмиш кишини гурбатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.  
Кўнглум бу гарибликда шод ўлмади, ох,  
Гурбатта севинмас эмиш, албатта, киши.

Захириддин Бобурнинг 47 йиллик умри тинимсиз мухорабалар, кариндош-уруглар, теурий шахзодалар ва бекларнинг бирин-кетин қилган хиёнатлари, фарзандларининг бевакт вафоти мухитида ўтиб, умрининг охирларида турли касалликлар бу иродаси мустаҳкам кишининг ҳам рухиятига таъсир этган. “Бобурнома”да биз муаллифнинг бундай машаккатларга нақадар бардош бергани, айрим ҳолатларда дарднинг зўрайиши кўзларига аччиқ ёш, танасига чидамсиз дардни келтириб чиқарганлигини кўрамыз. Муаллиф шу ҳолатлар тасвирини берар экан, насрий матндан кўнгли тўлмайди, ички тугёни, ҳасратларини тўла баён эта олмаганлигини сезиб, кўпинча ўз рубоий, газаллари билан, айрим ҳолларда бошқа буюк адиблар — Саъдий, Хофиз шеърлари билан насрий матнни бойитади. Айниқса, Бобур вафотидан икки йил олдин касаллик уни кўп ташвишга солади, рухияти тушкунликка мойил бўлади. Ушбу ҳолат тасвирида ҳам “Бобурнома” матнини қувватлашга муаллиф ўз рубоийсини келтиради. Бунда рубоий унинг рухиятини аниқ ифода этади. Касаллик пайтидаги тушкун кайфият, дард машаккати унинг жисмига нақадар ташвиш келтиргани аниқ бадиий ифода топгани билан муҳим: “Якшанба қуни, муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, нав-бат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортти. Доруйи қор ичтим. Охир басит ярашти, –уйқусизлиг ва ташналигдин бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт рубоий айтилди. Ул жумладан бири будур:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин ўчадур уйқу чу охшам бўладур.  
Ҳар иккаласи— гамим била сабримдек,  
Боргон сори бу ортадур, ул кам бўладур.

Бу насрий парчада ҳам Бобурнинг “уйқусизлик ва ташналигдин бисёр ташвиш торттим” деган жумласи келтирилган рубоийдаги иситманинг маҳкам бўлиши, кўздан уйқунинг қочиши билан мантикий боғланиб муаллифнинг юксак ташбеҳи – гам билан сабрнинг қураши, сабрнинг қамайиши ва гамнинг юксалиши жуда юксак бадиият билан ифодаланган. Бобурнинг ана шу ички тугёнини насрда ифодалаш мушкуллиги боис, у айтганидек, уч-тўрт рубоий ёзган ва биттасини “Бобурнома”да келтирган. Бу мавзуда Бобур яратган рубоийларда яна нималар назарда тутилган, унинг касалликдан ранж тортган вужудида нималар содир бўлган? Бобурни безовта этган,

азоб тортишига сабаб бўлган бу давр-да яратилган рубоийларнинг барчаси юкоридаги “Бобурнома”да келтирилган парчанинг деталлари – иситма, уйкусизлиқ, гам ва бошқаларнинг мохиятини янада очишга, муаллиф ҳолатини батафсилроқ етказишга хизмат қилган. Масалан, мана бу рубоийда Бобур вужудини иситма тутиши – тана ҳарорати ўта юксак бўлгани таъкидланган. Бунда муаллиф мазкур дарддан фориғ бўлиш йўлини унинг аҳолидан хабар олган “хабиб” — дўстининг сўрогидан сўнг кўнглига енгиллик шабадаси кириб келганлигини билдирадики, “Бобурнома” матнида мавжуд эмас:

Жисмимда иситма тобидин оташдур,  
Жонимга балоу гусса бебаркашдур.  
Кўп дард ила гамдин манга нохушлуг эди,  
Сен сўргали, эй хабиб, кўнглум хушдур.

Ёки мана бу рубоий ҳам ўша пайтда – Бобур жисмини дард исқанжага солганда ёзган бўлиши мумкин. Зеро, муаллифнинг тушқун кайфиятини ифодаловчи “бетоблиғ”, “беоблиғ”, “беҳоблиғ” каби сўзлар аввалги рубоийларда кўзга ташланмаганки, юкоридаги мавзунини бойитган.

Ўт солди кўнгулга ранжу бетоблигим,  
Сув қилди бу хаста жонни беоблигим.  
Бу иккаласи агарчи бор мухлику саъб,  
Лек ўлтурадур тонггача беҳоблигим.

Дарҳақиқат, Захириддин Бобур “Бобурнома”нинг бир неча жойида унга касаллик ташвиш келтирилганини ёзган. Назаримизда, юкоридаги парчада келтирилганидек, 25-26 кунлик беморлик унинг умри давомида бир марта содир бўлган. Иродаси мустаҳкам, барча кийинчиликларга тоб берган Бобурдек шахс ҳам бебако умрнинг бу имтихони пайтида анчагина укубат чеккан, гоҳида тушқунликка тушган. “Кўнглимда ўту, икки кўзимда сувдур” деб дил дардини баён этган шоир куйидаги рубоийсида яна юкоридаги рубоийлар деталлари: уйкусизлиқ, фирок, бекарорлик, беором окшомлардан фойдаланиб “Бобурнома”даги мавзунини янада ёркинроқ ифода этади, бойитади. Ўқувчи унинг хаста холига даво топишни, кўзларига уйку бахш этишни ўйлаб қолади:

Кўнглимда ўту, икки кўзумда сувдур,  
Мен хастага раҳм қилки, холим будур.  
Гам кундузию фирок шоми янглиғ,  
Туну кун менга не қарору, не уйкудур.

Биз юкорида Бобур умрининг охирида тез-тез касалликка чалингани, азоб-укубатлар кўргани ҳақида сўз юритдик. Унинг бошига бу савдолар асосан Хиндистон сафари пайтида, Бобур ва унинг лашқарлари учун мутлақо бегона “боди самум”— иссик шамолнинг таъсирида яшаш, Иброҳим Лўдий ва бош-қа хинд лашқарбошилари билан муҳораба олиб бориш жараёнида тушган. Ана шундай шароитда Бобур томонидан не машаққатлар билан тўпланган лашқар, беку зобитларнинг бир қисми, ноқулай об-ҳаво боис, ўз подшоҳлари ҳукмига бўйсунмай, уни ташлаб кетишга ошиқадилар (“Хейли эл

боди самумнинг таъсиридин хар замонда йикилиб-йикилиб, ўла кириштилар. Бу жихатлардин аксар беклар ва ўбдон-ўбдон йигитлар кўнгул солиб эдилар”). Бобур уларга канчадан-канча инъомлар бериб, Хиндистонда қолишларини истаган бўлмасин, анчагина кисми Мовароуннахр ва Хуросонга кайтиб кетадилар.

Бобурга хасталик холати, фарзандлари — Хумоюн, Комроннинг ноахиллиги боис салтанат таркоклигига асос бўлувчи муносабатлари, Хиндистонда давлатчиликнинг мустахкам асосини солиш орзуси заминида бу бош-бошдоклик, итоатсизлик унинг режасини амалга оширишига халал беради, дунёнинг, одамларнинг хиёвати боис додга келади. Масалан, “Бобурнома”да муаллиф надомат билан куйидаги сатрларни ёзгани фикримиз далилидир: “Бу гарибдурким, кичик-киримдин бу навбат Кобулдин отланадургонда, бир нечани янги бек қилилиб эди. Менинг чашмдоштим булардин мундок эдиким, мен ўтка, сувга кирсам-чиксам, бетахоший бизлар била киргайлар ва била чиккайлар. Мен хар сорига бўлсам, алар менинг сори бўлгайлар; йўкким: менинг хилофи максудим сўз айткайлар, хар иш ва хар мухимнингким, борининг кенгаш ва иттифоқи била ўзумузга жазм қилдук, кенгаштин кўпмасдан бурунрок ул сўз ва мухимдин кайткайлар”.

Захириддин Бобурнинг бу хасрати, надомати, қўл остидаги кишиларнинг бир ёқадан бош чиқариб, унинг амр-фармонини бажармаслиги, итоатсизликдан ташқари, лашқар таркоклигига сабаб бўлувчи ҳаракатлари тартиббузарлик ҳаракатига молик эди. Бобурнинг бу фикри, қўл остидаги кишиларининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, давлатдорликда юрт бошлигига қарши бўлиш, юрт бирлигига соя солувчи ҳаракатлар бугунги кунда ҳам кораланадики, айрим қимсаларга ибрат дарси бўла олади. Бобур мана бу рубоийни, балки, айнан шундай қайфиятда бўлган пайтида ёзгандир. Унда инсон зотидан озурдалиқ, киши руҳиятига соя солишга интилувчи кишиларнинг башарасини кўрасан, рубоий муаллифига ўша пайтда канчалиқ мушкул бўлганлигини англайсан ҳам:

Даврон мени ўтқарди сару сомондин,  
Ойирди мени бир йўла хонумондин,  
Гах бошимга тож, гах балойи таъна,  
Неларки, бошимга келмади даврондин.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўгли Хумоюнга ёзган мактубида ажойиб сатрлар бор. У ҳам бўлса — давлатчиликда, мамлакатни бошқаришда юрт сардори ҳамиша атрофдаги беклар, ҳаётий тажрибага эга шахслар билан машварат қилиши, ёр-биродарларини ганимат билиб, уларнинг суҳбати ва маслаҳатларини инобатга олишига эътибор қаратилганлигини кўрамыз. Бу сатрлар, тарбиявий аҳамиятидан ташқари, темурийлар салтанатида давлатни бошқариш, айниқса, подшоҳ бир қарорга қелишда бамаслаҳат иш қўриши лозимлиги талқинида берилиши диққатга молик: “Агар менинг ризоимни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошинга қарлаб, хар маслаҳат бўлса қенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била хар сўз — унга қарор бергайсан”.

Куйидаги рубоийда Бобур эл билан бирга бўлиш, уларнинг қадрига етиш ва ҳамиша одам бир-бирига ганимат ва азиз бўлганлиги боис, эхтиромини бажо келтиришдек юксак фикрни билдирганки, юқоридаги қарашларини шоирона ифодалар билан

тўлдирган:

Ахбоб, йигилмокни фарогат тутунгиз!  
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!  
Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун,  
Бир-бирни неча куни ганимат тутунгиз!

Захириддин Бобур кайси жанрда ижод этмасин, уларнинг барчасида муаллиф таржимаи холи, дунёкараши, умргузаронлик дафтарининг баёни, бир-бирини тўлдирувчи, “Бобурнома”да чала колган фикр-ларнинг изохи, яширин сирлари бошка бир асарида янгича жило ва мукамалликда, шоирона бадий талкинда ифода этилганлигини кўрамиз. Биз Бобур рубоийларидаги мавзу бирлигини факат “Бобурнома” билан чогиштириб, айрим мисоллар тахлили оркали кўриб чикдик, холос. Бу масала алохида тад-кикот мавзуи, уни кенг микёсда тадкик этиш Бобур шахсияти ва ижодини янада теранрок англаш имконини беради.

**Хасан Кудратуллаев, профессор**